Янги йилингиз муборак бўлсин!

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№52 (306) 2002-yil 29-dekabr

"Ҳуррият" сизники,
Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!
Газетамизга обуна давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.

✓ МММда



Ўзбекистон Миллий матбуот марказининг "Олтин сўз" шўъба корхонаси "Сеҳрланган Қовоқбой" деб номланган янги йил шоу-томошасини намойиш этмоқда. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Абдусамат Жўрабоев, Ҳабибулла Абдуллаев, Исмоил Абдуллаев ҳамда бошқа таниқли санъаткорлар ўзларининг театрлашган томошалари билан қатнашиб, болажонларга олам-олам қувонч улашаётир.

Янги йил томошаси 10 январгача давом этади.

СУРАТЛАРДА: Шоу-томошадан лавҳалар.
А. РАҲИМ олган суратлар.

✓ Анжуман

ВАТАН ХИЗМАТИГА ШАЙМИЗ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотида "Оммавий ватанпарварлик ойлиги тадбирларининг матбуотда ёритилиши" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда республикадаги нашрлар Бош муҳаррирлари, теле ва радожурналистлар, мухбирлар иштирок этдилар.

Тадбир "Ватанпарвар" ташкилотининг "Шонли Ватан тарихи" музейига ташрифдан бошланди. Бири-биридан қизиқарли ва қимматли бўлган ноёб экспонатлар журналистлар кўз ўнгида намоён бўлиб, она юртимизнинг тарихидан сўйлайди.

Шундан сўнг Марказий

кенгаш раиси Абдулазиз Абдуқаҳҳоров, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти олдига қўйган эзгу мақсад — диёримизни чин дилдан севувчи, ўктам ва жасур йигитларни тарбиялашда матбуот билан ҳамкорлик хусусида сўз юритди.

ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси

Х. Дўсмуҳамедов, "Ҳуррият" Бош муҳаррири А. Каримов, "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги Бош директори З. Розиев, "Спорт" газетаси Бош муҳаррири Ҳ. Акбаров ва бошқалар матбуотда ҳарбий ватанпарварлик мавзуси, журналистлар олдида турган вазифалар, ўзаро ҳамкорликнинг умумий мақсадларимиз учун аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Учрашувда мавзуга ихтисослашган журналистлар клубини тузишга қарор қилинди. Соҳага оид энг яхши мақолалар ёзган ва чоп этган журналист ҳамда таҳририятларни рағбатлантиришга келишиб олинди.

УШБУ СОНДА:

САВОБГА НОИЛ БЎЛИНГ

ЎЛМАГАН ҚУЛ... 2

Ҳомиладор... қўғирчоқ

КИМ ҲАММАДАН БАХТЛИРОҚ? 3

ЯХШИ КУЁВ УЧРАСА...

Хотин, биздан ранжима 4

✓ Сарҳисоб

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАЧ...

Қаранг, дўппи бир айланиб улгурмай анчайин сергалвадай туюлаётган 2002 йил ҳам ниҳоясига етаётир...

"Сергалвадай" нисбатини ўзимизга — "Ҳуррият"чиларга қарата айтилаётганини илғаган бўлсангиз керак. Негаки, 6 йилни таҳририятимиз нечоғли ўтказганини, яъники, кимлардир алқагани, яна кимлардир қарғагани, эълон қилган қайсидир мақола учун олқиш ёки чоп этилмаган қайсидир танқид эвазига дакки эшитганимизни садоқатли муштарийларимиз яхши билишади. Зеро, боримизни – қувончни ҳам, ташвишни ҳам мудом баҳам кўришга интилдик: буни нечоғли уддаладик – баҳо бериш – Сизларга тан. Сиз – азиз муштарийлар билан бемалол ва бедаллол мулоқот қилишга интилишимиз орқали кимларнингдир эътиборини тортган бўлсак – бош устида, кимлардадир эътироз уйғотган бўлсак – узримиз бор...

Мана, йил ниҳоясига етмоқда. Янги йил остонасида туриб, ўтган бир йиллик фаолиятимизга назар ташлаган эдик, биринчи галда қуйидаги воқеалар ёдимизга тушди:

1. Машҳур олим, адабиётшунос, "Ҳуррият" газетаси таҳрир ҳайъати аъзоси Озод Шарафиддинов "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак шарафига сазовор бўлди.

2. "Ҳуррият" газетаси Бош муҳаррири ўринбосари Норали Очилов журналистлар ўртасида ўтказилган танлов ғолиби бўлиб, охирги русумдаги компьютер билан тақдирланди.

3. Махсус мухбиримиз Турсунали Акбаров БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Очиқ жамият институти томонидан ташкиллаштирилган танловда фахрли III-ўринни эгаллади.

Шунингдек, қуйидаги муаллифларимизнинг камтарона хизматлари учун ташаккур билдирмоққа эҳтиёж сездик:

1. Мансур Бекмуродов – социология фанлари доктори, профессор. Ўзининг миллат шаъни, миллий қадриятларимиз хусусида қуйиб-ёниб ёзган таҳлилий мақолалари;

2. Журналист-ҳуқуқшунос Бахтиёр Шоҳназаровнинг жамиятнинг чирсиллаб турган муаммолари ҳақидаги ўткир чиқишлари;

3. Таниқли адиб Дадахон Нурийнинг қувноқ саргузаштларга бой, ширали тилда битилган асарларидан "Ҳуррият" ўқувчиларига ҳам илиниб турганлари;

4. Машҳур журналист-ҳуқуқшунос Ҳабибулла Олимжонов инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлида минг машаққат билан битган туркум мақолалари;

5. Ёш олим Миродил Баратовнинг ҳуқуқий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, бу борада юзага келаётган ва уларни бартараф этиш бўйича ўринли таклиф-мулоҳазаларга бой чиқишлари;

6. Фидойи ва камтарин рассом Абдурасул Ҳакимовнинг юморга йўғрилган, муаммолар акс этган карикатуралари;

7. Хасталик оқибатида бир жойга михланиб қолганига қарамай, ўзининг метин иродаси туфайли газетамизнинг фаол муаллифларидан бирига айланган Жаҳонгир Абубакировнинг катта-кичик мақолалари;

8. Ўжарлиги билан ном қозонган Бахтиёр Олломуродовнинг аччиқ-аччиқ танқидий-таҳлилий мақола-ю фельетонлари билан газетамизнинг янада омалашишига муносиб ҳиссаларини қўшганлари учун чуқур миннатдор бўлсак, кейинги ойларда оташин публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимов, жонсарак ҳуқуқшунос Ғиёс Намозов, ёзувчи Исфандиёр, олима Гулчеҳра Маткаримова сингари қадрдон муаллифларимиз "йўқолиб қолгани"дан таассуфдамиз.

Энг фаол муаллифларимиз:

1. Мансур Бекмуродов
2. Бахтиёр Шоҳназаров
3. Ҳабибулла Олимжонов
4. Илҳом Шермуҳаммад
5. Абдурасул Ҳакимов (рассом)

Энг таъсирли мақолалар:

1. Ҳ. Олимжонов: "Қўшиб ёзиш", "Қонун қўлимизда, машина ҳам...".
2. Т. Акбаров: "Туҳматми ё ҳақиқат", "Қўқонча тез айтиш: қози қарорни қойиллатди".
3. Илҳом Сафар: "Эсиз малаклар – товусми капалаклар".
4. Ғиёс Намозов: "Шикоят қандай ёзилади?".
5. Мухторали Носиров: "Исмлар қатидаги ҳикмат".

Энг ғалвали мақолалар:

1. Топса Босар: "Меҳмонлар о-озгина аразлади".
2. Дадахон Нурий: "Чироқпоя".
3. Т. Акбаров: "Раис ва унинг "командаси".
4. Н. Очилов: "Иккиси-ла яшасам дейман...".
5. Д. Полвонов: "Матбуот "эпидемия"си".

ТАҲРИРРИЯТ

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расмлар.

✓ Тилак

2003 йил - барака йили бўлсин!

Мана, ўзининг қувончу ташвишлари билан барчамизнинг хотирамизда ўчмас из қолдирган 2002 йил ҳам ниҳоялаб, тарих зарварақларидан жой эгаллаш арафасида. Ушбу йилда кимларнидир ранжитган, дилин оғритган бўлсак, "яраш оши" бизнинг гарданимизга.

Тақвим бўйича 2003 йил - қўй йили ҳисобланади. Маълумки, бу жонзот ўзининг сербаракалиги билан инсон эътиборини қозонган. Тилагимиз — кириб келаётган янги йилимиз баракали, дастурхонимих тўкин-сочин, дилларимиз шод, юртимиз обод бўлсин!

Янги йилда ҳам Сиз азизлар билан ҳамнафас бўлаётганимиздан мамнун эканимизни айтиб, ҲУРРИЯТ машъаласи хонадонларингизни доимо чароғон этиб туришини тилаймиз ва шоиримиз ёзганидек, янги йилга қадам қўйяпмиз — бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм, деймиз.

"ҲУРРИЯТ"чилар

✓ Ҳамкасб

ИЗЛАРДАГИ ШУЪЛАЛАР

Эшитганим бор: сергак ва идроки ўткир одамлар ҳатто уйқудалигида ҳам теран фикрлайдилар, оз бўлса ҳам завқли ва ширин ором оладилар.

Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги Юқорибоғ қишлоғида ер тирнаб, экин экиб, ризқини терган Эгамберган ота Нурметовни шу тариқа ноёб хислати элга танитди. У тез орада пахта илмининг битилимдони – бригада сардори бўлди. Ота умр йўлдоши Шукуржон аяга "ўн нафар фарзанд туғиб бер, ўнови ҳам олим бўлади" дерди.

Хоразмликларнинг "Сўз ярим давлат, меҳнат бутун давлат" деган нақли камтар ва хокисор инсон ҳаётида намоён бўладики, кўплар ҳавас қиладиган оила-ю ҳаёт қарор топди. Эр-хотин оқ ювиб, оқ тараб камолга етказган етти нафар фарзанднинг ҳаммаси олий маълумот эгаси бўлди. Тошкентдаги уч сингил эса Урганч шаҳридаги илмгоҳларни битказишди.

Оиладаги иккинчи ўғил Абдураҳим Эгамов эди. Касби гидрогеолог бўлгани сабабли талай идораларда ибратли фаолият кўрсатган бўлсада, 1996 йил Матбуотни қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёссий жамғармасини ташкил этишга қарор қилинганида жамғарманинг вилоят бўлимига А. Эгамов номзоди ижрочи директор сифатида тавсия этилганида кўплар ҳайрон бўлишди. Ҳоким ўринбосари, бу ишга раҳбар одам қалам тебратишдан кўра кўпроқ иш юритиши лозим. У иқтисодни, ва маблағ топишни билсагина, журналистлар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланаверади, деди.

А. Эгамов ижрочи директор этиб расман тайинлангач, унга тадбиркорлиги ва меҳнатсеварлиги қўл келди. Жамғарма бўлими ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилди. Авваллари 1.00 га яқин нафақадаги журналист ва матбаачилик ходимлари республика ва вилоят нашрларига бўлим ҳисобидан бепул обуна қилиб берилди. Байрам кунлари совғалар улашилди. Якунланаётган "Қарияларни қадрлаш йили"да китоблари нашр учун тайёрлаб қўйилган кекса журналистлар бўлим томонидан моддий кўмак олиб туришди.

1990 йилдан буён Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси ҳисобланган Абдураҳим Эгамов бугун 60 ёшга тўлди. Айтиш жоизки, Эгамовлар оиласи туманнинг, қолаверса вилоятнинг пиру бадавлат хонадонларидан. У кишининг фарзандлари олий маълумот олиб, турли соҳаларда фаолият кўрсатишмоқда. Биз орзулари юксакларга парвоз этаётган қадрли дўстимизнинг ҳормай-толмай катта мақсадлар сари одимлашига тилакдошмиз.

Арислон ОТАЖОНОВ,
фахрий журналист

✓ Қутлов

БОҒОТЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР

Боғот сўзини олимлар "Боғлар маскани" деб изоҳлашади. Мен олимлар фикрини рад этмаган ҳолда, Боғотни "журналистлар маскани" деб атаган бўлардим. Зеро, ҳозиргача бўлган қарийб чорак аср давомида Хоразм вилоятининг Боғот туманидан жуда кўплаб таниқли журналистлар етишиб чиқдики, улар ижодисиз Ўзбекистон матбуотининг сўнгги 25 йилини тасаввур этиш қийин.

Аввало шуни айтиш керакки, Боғот туманида туғилиб вояга етган, иш фаолиятини туман газетасида бошлаб, кейинчалик Республика газеталари ("Тонг юлдузи")га Бош муҳаррирлик қилган, ўзбек матбуоти ҳамда матбаа тизимига катта ҳисса қўшаётган Жаббор Раззоқовга ҳавас ила кўпчилик элдошлари эргашган, дейиш мумкин. Шу боисми, Ж. Раззоқовдан кейин бирин-кетин кўплаб ёшлар журналистика оламига кириб келишди.

Яна бир боғотлик машҳур журналист Рўзимбой Ҳасанни эса таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Бугунги кунда "Даракчи"-ю "Ҳуррият" саҳифаларида доимий равишда мақолалар эълон қилиб бораётган Шавкат Болта, "Қишлоқ ҳаёти" газетасидаги танқидий-таҳлилий чиқишлари билан таниқлиб қолган вилоят мухбири Холмурод Қурбон ҳам айнан Боғотдан. Шунингдек, дастлаб "Оила ва жамият" газетасида, кейинчалик Ўзбекистон телерадиокомпаниясида фаолият олиб борган, ҳозирда "Жаҳон" ахборот агентлигининг Токиодаги мухбири сифатида ўз мақола ва телелавҳалари билан юртдошларимизни Японияга, Японияни эса юртдошларимизга танитиш учун катта хизматлар қилаётган Беруний Алимов ҳам, адабий танқидий мақолалари, шеъру достонлари билан танилган "Туркистон" газетасининг мухбири Эрпўлат Бахт ҳам, тенгдошлари каби ўз мақолалри билан оғизга тушган "Постда" газетаси мухбири Худойберген Раззоқов ҳам мана шу Боғотдан.

Шу каби ўз ижодлари билан вилоят оммавий ахборот воситаларида фаол қатнашиб келаётган Болтабой Қурбонбоев, Одилбек Одамбоев, Азамат Сафаров, Гулзебо, Умида Худойбергановалар туман довруғини юртга таратаётган ижодкорлар ҳисобланишади. Айнан шу туфайли Боғотни журналистлар ўлкаси, десак адашмаган бўламиз. Қолаверса, айтиб ўтилган ижодкорларнинг барчаси ўз мақола, хабар, лавҳалари билан дастлаб туман матбуотида иштирок қилганлар ва бунда "Боғот садоси" газетаси мактаб вазифасини ўтган. Бугунги кунда вилоятда ўз мавқеи ва обрўсига эга бу газета ташкил этилганига 45 йил тўлди. Р. Раззоқов муҳаррирлигида Д. Муҳаммедова, Д. Отажонова, Ш. Матёкубов каби жонкуярлар ҳамкорлиги билан чоп этилаётган газетанинг 45 йиллиги барча боғотликлар, Боғот журналистлари, қолаверса, ўзбек матбуотининг ҳам қувончли санасидир.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, ҳамкасблар!

Умид БЕКМУҲАММАД

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Даъват

САВОБГА НОИЛ БЎЛИНГ

Президентимиз томонидан якунланаётган йилимиз "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан биргина пойтахтнинг 11 та ижтимоий таминот бўлимларида қарияларнинг марокли хордиқ чиқаришлари учун турли дам олиш масканларига бепул йўлланмалар берилди. Шунингдек, ногиронларни қўлтиқтаёқ, ногиронлар аравачаси ва протез-ортопедия махсулотлари билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Сўз ижтимоий таъминот бўлимлари ҳақида кетар экан, бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур туман ижтимоий таъминот бўлими Беруний кўчаси 12-уйда жойлашган бўлиб, у ерда туманнинг "Оқтепа", "Ўрда" ва "Самарқанд дарвоза" маҳаллаларида истиқомат қилувчи нафақадаги кексаларга, шу билан бирга ногиронларга турли хизматлар кўрсатилади.

Айнан ана шу маҳаллалардан Беруний кўчасига 28, 34-автобуслар ва 4, 20-троллейбуслар қатнови йўлга қўйилган. Лекин ижтимоий таъминот бўлими қаршисида автобуслар бекати йўқлиги қарияларнинг ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Кўп ҳолларда улар ижтимоий таъминот бўлими ва бошқа ваколатли органларга ҳам арз қилиб турадилар.

Савоб иш қилсанг, охиригача қил, деганларидек қарияларга қулайлик яратиш мақсадида туман ижтимоий таъминот бўлими рўпарасига транспорт бекати ўрнатилса, бу ишга масъул бўлган мутасадди ўртоқлар катта савобга ноил бўлардилар.

Дилноза НИҒМОНОВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

Фикр

ЖУРНАЛИСТ ШАХСЛАР КЕРАК

2003 йилни журналистлар қандай кутиб олмоқда? Оммавий ахборот воситалари олдида бугунги кунда қандай вазифалар турибди ва у нима қилса янада яхшироқ бўлади? Биз ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида бир қанча ўзбек журналисталарига "Сиз 2003 йил ўзбек матбуоти қандай бўлишини хоҳлардингиз?" деган савол билан мурожаат қилдик.

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, "Моҳият" газетаси Бош муҳаррири:

— Табиийки, 2003 йил матбуоти 2002 йил матбуотига нисбатан демократлашганроқ, сермазмунроқ, ҳам шаклан, ҳам мазмунан ижобий томонга юз бурганроқ, бир сўз билан айтганда замон талабига мос, яъни воқеалар тўзони ортида эмас, улардан олдинроқда юра оладиган бўлишини истардим. Илло, тараққиётсиз, олинга силжишларсиз келажак йўқ. Айни пайтда мен келгуси йили Журналист Шахслар, Журналист Бош муҳаррирлар пайдо бўлишини ва ҳаттоки уларнинг сони кўпайишини хоҳлардим. Зеро, бизнинг соҳамизда Шасларнинг алоҳида ўрни бор. Камина келгуси йили журналистларнинг ижтимоий ҳимояси кучайишини, маоши ва қалам ҳақи эса бир неча баробар ошишини тилаб қолардим. 2003 йили ўзбек матбуоти "Жамиятимизда тўртинчи ҳокимият даражасига чиқа олган куч бор" деган таассурот уйғота оладиган матбуот бўлишини хоҳлардим. Биз истаймизми-йўқми, матбуотимиз бир куни келиб бу даражага эришар. Аммо биз бу ҳодисанинг айнан келаси йили рўй беришини тилаб қолардик.

Эсиргап БОЛИЕВ, "Халқ сўзи" газетаси Бош муҳаррири ўринбосари:

— Мустақиллик ўзбек матбуотига нафақат ранг, балки ўзига яраша имтиёз ва обрў-эътибор ҳам инърм этди. Эндиликда унда янграётган ҳар бир сўз ва оҳангга дунёвий ва халқаро мезонлардан туриб баҳо берилмоқда. Илгарилари айтганларимиз Тўйтепадан нарига ўтмасди, энди эса бирор ҳодиса ёки ҳаётдаги бирор воқеликка ўзбек журналисти қандай баҳо берар экан, деб тикилиб турувчи нигоҳлар қанча! Улар оғзидан чиққан ҳар бир гап, қоғозга тўкилган ҳар бир жумлани турли хил оҳангларда талқин этадилар, ранг берадилар, бўяб-бежайдилар. Демак, эртанги журналист нафақат ижодкор, балки сиёсатчи, дипломат ҳам бўлиши керак экан! Ана шулардан келиб чиқиб, 2003 йилги ўзбек матбуотининг тили ширин, оёғи чаққон, нигоҳи теран, қулоғи динг, нафаси ўткир, ангори гўзал бўлишини жуда-жуда истайман.

Рўзибой ҚЎЛДОШЕВ, тележурналист:

— Бизда матбуот ва телевидениени одамлар ўзларининг энг яқин суянчиғи, деб айта оладиларми? Ҳар доим эрталабдан матбуот дўконларига шошиб, қайсидир газетани олишга интиладиларми? Ёки телеканаллардаги қайсидир кўрсатувнинг навбатдагисини кўролмай қолганига афсус чекадими? Тан олиш керак, ўтган 2002 йил ўзбек матбуоти карахтликдан уйғониш томонга озгина бўлса-да силжиди, оғир тош кўчгандек. Телевидениеда ҳам ҳаракатлар, уринишлар бўлмоқда. Лекин Президентимиз қуюнчаклик билан талаб қилаётган демократик жараёнлар жадаллашмаяпти. Халқимизнинг дилида пишиб, тилига кўчганига анча бўлган тилаклар ҳалиям матбуот эшигини қоқмоқда. Аммо матбуот қўрғонига тўлалигича киролгани йўқ. Сабаб ҳалол, тўғри ва қонуний томонда туриб ёзилган таҳлилий танқидга зўровонлик, қўрқитиш билан жавоб бериш усули йўқолмаяпти. Танқид қилиш маданияти ва танқидга жавоб бериш маданиятини ўрганиш етишмаяпти, чоғи. Оқибатда кўпгина жасур, талантли журналистлар танқидий-таҳлилий мавзуларни ёритиш ортидаги ноҳолис, асаббузар муносабатдан чарчаб, тинчроқ йўлга ўтишга эҳтиёж сезяптилар. Тилагим, 2003 йилда ўзбек матбуоти саҳифалари, ойнаи жаҳони барчанинг дилидаги эркин сўз – нурга тўлсин!

Исмат ХУДОЁРОВ тайёрлади.

Муносабат

Бугунги кунда ОАВ, айниқса матбуот нашрлари ва журналист этикасига эътибор жуда кучайиб, турли баҳс-мунозаралар бот-бот қўзғалиб турибди. Мен ушбу мунозараларда фаол қатнашиб келаётган, аксар ҳолларда уларнинг туғилишига сабабчи бўлаётган "Ҳуррият" газетасининг биргина 18 декабрдаги 50-сон нашрида эълон қилинган бир неча мақола ва мактубларга ўз муносабатимни билдирган ҳолда, мунозара гулханига бир-икки чўп ташлаб қўймоқчиман. Ахир, "давра тарқаши — гулхан совиши"дейдилар-ку!

ҚАЛАМ ТУТГАН ПАНД ЕМАС

Ҳозир журналистларга қийин бўлиб қолди. Илгари журналист ишлайдиган нашр ҳукмрон партиянинг қуроли эди. Маълумоту интервью олиш учун йўлга чиққан журналист келадиган йўл супурилиб, эшиклари очиб қўйилар, сафарнинг охири тўкин дастурхон билан якун топарди.

Бугун газетани ҳеч ким қурол қилиб олган эмас. Маълумот олиш учун йўлга чиққан журналистни камданкам кутиб оладилар, эшикма-эшик югургилаб, силласи қуриган журналист қорнини кўча-кўйда гумма-сомса билан йўл-йўлакай тўйдириб олади. Ҳисобот мақолани ёзаётган журналист: ... биз етиб борганимизда фалончиевнинг эшигига катта қулф солинган бўлиб, қаёққа ва қанча муддатга кетганлигини ҳеч ким билмасмиш" шаклида жумла тузишга мажбур бўлади.

Мана шундай маълумот йиғиш машаққатга айланган бир пайтда журналистлар нашрни тўлдириш учун нималар қилишмайди. Қўқонлик отахон Рустам Турғунбоев "Етти йил аввалги қотиллик тафсилотларини "7х7" газетасида чоп этиш кимга керак бўлди? деган савол қўяди. Газетхоннинг, энг қайғулиси етти йил аввал мастлик оқибатида ўртоқлари томонидан ўлдирилган ўғлига азалик отанинг саволига худди шу саҳифадаги Азизбек Абдувалиевнинг: "Одоб-ахлоқ кодекси керакми?" мақоласида яхшигина жавоб бор бўлиб, ҳар бир журналистга ўрнак бўлишга арзийди: "Шахснинг исми-шарифи берилиши унга зарар келтирмайдими-йўқми яхшилаб ўйлаб кўринг. Бу қоида жиноят содир этганликда айбланаётганларга ҳам, маҳбусларга ҳам тааллуқли".

"Аҳмадни ўқиб, Альбертни кўряпман" деб луқма ташлаган Ҳамид Норқулов ҳам матбуотимиздаги оғриқли жойларни қашлайди. Дарҳақиқат, нега нашрларимиздаги мақола ва ҳикоялардаги қаҳрамонлар ўзбегу, уларга илова қилинаётган расмлар европаликларники? Ҳамид ака, келинг ўзингиз фотомоделлик қилиб, бирор жиноят ёки ишқий мавзудаги мақола учун расмга тушиб беринг, починга! Албатта, бу ҳазил. Аммо ҳақиқатан ҳам фотомоделларга талаб катта. Бир актёрни турли клипларда қайта-қайта рол ўйнашига ўрганиб қолдик. Демак фотомоделларни турли ҳолатларда тасвирга туширишдан, газетларни таъминловчи фирмага эҳтиёж бор. Аммо газетларнинг чўнтаги кўтарармикан? Вот, масала қаерда!

Танганинг иккинчи томони ҳам бор, мақола ва ҳикояларда Аҳмадни ўқиб, унинг хатти-ҳаракатларида Альбертни кўриб қоляпмиз. Мана шуниси чатоқ. Ғарбий нашрлардаги мақола ва ҳикояларни ўзбекчасига ўгириб, Альбертни Аҳмадга айлантираётганлар миллий менталитетни унутиб қўйишаяпти, улар ҳатто рус журналистининг мақоласидан фойдаланаётганда "мамлакатимиз (Россия) назарда тутилади) президенти актрисани Кремлда (!) қабул қилди" дея мақолани тайёрлашаверади. Египет ўзбекчада Миср, Алжир эса Жазоир бўлиши хаёлларига ҳам келмайди!

Тажриба йиллар оша келади. Миллий матбуотимиз цензурасиз яшай бошлаганига ҳали йил ҳам тўлмади. Ўлмаган қул ҳаммасини кўради, нима дедингиз?

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

Мулоҳаза

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР

Қишлоғимизда бундан юз йиллар илгари барча аҳоли битта тепаликда яшаган экан. Кейинчалик тўқайзорлар ўзлаштирилиши эвазига қишлоқ аҳли аста-секин деҳқончилик билан шуғулланиб, тепалик атрофидаги текис жойлардан ўзларига ер очиб, турар жойлар қуриб олишганини қариялардан кўп бор эшитганман.

Тўқайзорда биринчилардан бўлиб ўзига макон танлаганлардан бири менинг она томонимдан бўлган бобом бўлган экан. Кейинчалик аста-секин бобомнинг атрофида бошқалар ҳам уй қуришлари натижасида ҳозирги қишлоғимиз Хўжапискан пайдо бўлганлигини айтиб беришган.

Отам ўзлари кўп йиллар яшаган ҳовлини бундан 30-35 йил аввал қурдириб, ҳозирги ҳовлимизга кўчиб чиққанини жуда яхши эслайман. Ўшанда мен 14-15 ёшдаги ўсмир эдим.

Олдинги ҳовлимиз қишлоқнинг бир чеккасида бўлгани учунми, бошқа ҳовлиларга нисбатан анча катта жойни эгаллаган эди. Икки ариқнинг ўртасида жойлашган бу ҳовли жуда саранжомсаришта бўлиб, айниқса мевали-мевасиз дарахтларга тўла эди. Ўрик, узум, жийданинг тўрт-беш хили, олча, олма, анор, анжир, беҳи каби мевали ҳамда терак, тол каби дарахтлари ҳовлимиз кўркига кўрк қўшиб, уни қандайдир обод ва сариштa кўрсатиб турарди.

Айниқса ҳовлимиз ўртасидаги қатор ўриклар бутун ёз бўйи пишиб, тагига тўкилиб ётарди. Унинг соясини айтмайсизми. Тагида оиламиз билан ўтирганимизда, пишиб етилган ўрикларни дастурхонга тўкилиб туришининг жуда кўп гувоҳи бўлганман.

Ўшанда отам раҳматли дастурхонга тушган ўрик мевасини олиб менга узатарди. Бундай ширин ўрик мевасини мен кейинги йилларда умуман емадим, десам ҳам бўлаверади.

Ўрик, олча, олма меваларидан энам қоп-қоп туршаклар тайёрлаб, қишга сақлаб қўярди.

Ариқ ёқасидаги жийдамиздан ҳам ҳар йили 5-6 қопини териб, томимиз устига олиб қўяр ва уни қиши билан тановул қилиб чиқардик. Икки туп аноримизнинг ўзи 100-150 кг мева бериб, уларнинг ёрилмаганларини отам болахонага олиб чиқиб, чиройли қилиб териб қўярди. Бу ҳам қишга сақланар эди. Томорқамиз катта бўлгани учун унга ҳар хил полиз экинлари экардик. Помидор, бодринг, пиёз, картошка, сабзи, қалампир, болгар қалампири, қулупнай, ҳандалак, қовун, тарвуз ёзда ва кузда яхши ҳосил берарди.

Бутун ёз бўйи ширин-шакар меваларни тановул қилиб чиқардик. Қишда эса ширин қовун қоқи. Бозордан бирон нарса сотиб олганимизни мен ўша пайтда эслай олмайман. Ўйимиздаги қўй, сигир, товуқлар ҳам хўжаликнинг бир томонини кўтариб, оиламизга қандайдир файз киритиб турарди.

Ўзимга-ўзим савол бераман. Буларни ҳозир нега эслаётибман? Ҳа, айтмоқчи, бунинг сабаби бор. Сабаби шуки, кейинги 15-20 йил ичида қишлоқ оилалари бутунлай ўзгариб кетди. қишлоқда яшаётган оилалар ҳозирда худди шаҳарликлар сингари бозорларга бориб, турли мева-чевалар, полиз маҳсулотларини сотиб олишга ўрганиб қолдилар. Улар негадир мева етиштиришдан кўра уни сотиб олишни афзал, деб ўйлайдилар.

Ҳозир қишлоқ ҳовлиларини айлансангиз, мевали дарахтларнинг жуда камайиб кетганлиги гувоҳи бўласиз. Айниқса, 70-йиллардаги айрим қишлоқларга кириб келган помидорфурушлик, мевали дарахтларнинг қаторасига кесилиб кетишига сабаб бўлган эди.

Ўша пайтда давлатга 50-60 тийиндан памидор топширилиб, вақтинчалик фойда кўриш иштиёқидаги оилалар йиллар давомида вояга етган ширин-шакар мевали дарахтларидан айрилиб қолганликлари хаёлига ҳам келмаган бўлса керак.

Шу туфайли ҳам 8-10 йилда ҳосил берувчи кўпгина танқис мевали дарахтлар йўқ қўлиб юборилди. Ҳозир эса бунинг таъсири қишлоқ оилаларида яққол сезилиб турибди.

Қишлоқда яшаб имконият



бўлгани ҳолда боғ-роғлар қилмаслик, томорқалардан унумли фойдаланмаслик, турли уй ҳайвонлари, паррандалар ушламаслик ажиб ҳол саналмай қолди.

Олтмишинчи йилларда-ку собиқ давлат ҳайвонлар, мевали дарахтларга турли солиқлар ўйлаб чиқаргани боис онгли равишда буларни йўқотиш компанияси бўлган эди.

Ҳозирда аксинча буларни ривожлантириш учун, давлатимиз жуда катта шароитлар яратиб, айниқса шахсий хўжаликнинг гуркираши учун кенг йўл очиб берилди. Яқинда қишлоқ айланган бир шаҳарлик дўстим "Агар менинг мана шундай 15 сотих ерим бўлганида, албатта, битта сигир, 4 та қўй боққан бўлардим. Қолаверса, 20-30 та парранда боқиб, бутун мева-чева, полиз маҳсулотларини ўзим етиштирган бўлардим", - деб орзусини изҳор этди.

Бундай жуда ҳам муҳим ва ҳозирги шароитда қишлоқ аҳли учун зарур бўлган орзуларнинг айнан қишлоқда яшовчилар томонидан амалга оширилувини биз чин юракдан истаб қолардик.

Холмурод ОЛЛАНАЗАРОВ

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ - АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ

«PAXTABANK»

ўз акциядорлари ва мижозларини,

БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ

кириб келаётган янги юз йилликнинг учинчи йили —

2003



йил билан чин қалбдан табриклайди!

Янги йил барчангизнинг хонадонингизга шоду хуррамлик, қут-барака олиб кирсин!

«PAXTABANK» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАФОЛАТИДИР!

"PAXTABANK" КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ

«ҒАЛЛАБАНК»

Янги — 2003 йил барҳамиз учун иқтисодий юксалиш, оилавий фаровонлик, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг янада барқарорлашуви йили бўлишини истайди!

АЗИЗЛАР, МУҚАДДАС ЗАМИНИМИЗ ЯНАДА СЕРҲОСИЛ, ДАСТУРХОНИМИЗ ДОИМО ТЎКИН БЎЛСИН!

«ҒАЛЛАБАНК»
ҲАМИША СИЗ БИЛАН!

Дараклар

АҚШ ФЛОТИ ЮРИШГА ТАЙЁР

Америка флоти қўмондонлиги денгизчиларга навбатчиликнинг юксак таёргарлик



ҳолатига ўтиш ҳақида буйруқ берди, деб ёзади Би-би-си мухбири. Пентагон бу чорани Ироққа нисбатан уруш эҳтимоли шароитида қўлламоқда.

Флотда айни пайтда икки авиаташувчи ва икки десант кема ҳарбий ҳаракатларга тайёрдир. Уруш бошланган бўлса, Форс кўрфазига крейсерлар, эсминецлар ва сув ости кемаларини жалб этиш мўлжалланган. Флотдан ташқари АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари ва денгиз пиёдалари жангларда қатнашиши мумкин.

Оқ уй ҳарбийлар дипломатларнинг ўрнини эгаллашга тайёр туришлари ҳақида бир неча бор баёнот берган эди. Айни пайтда дипломатлар ўз ўринларини ҳарбийларга қачон бўшатишлари маълум эмас. Рости, муаммо музокаралар йўли билан ҳал этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

БИРИНЧИ КЛОН ДУНЁГА КЕЛДИ



Ҳа, француз химиги ва реалитлар сектаси аъзоси Брижит Буаселье "Франс пресс" ахборот агентлиги мухбирига ана шуни уқтирган.

Буасельенинг фикрича, ўғил ва қиз бола ўтган чоршанба куни дунёга келган. Бу борадаги ишлар ниҳоятда махфий тутилгани боис унинг сўзлари қанчалик тўғрилигини текширишнинг иложи бўлмаяпти.

Энди реалитлар ҳақида тўхталсак. Ғароийб бу секта аъзолари ерга ҳаёт 25 минг йил муқаддам ўзга сайёраликлар томонидан олиб келинган, инсонлар эса уларнинг клон- нусхаларидир деб ишонишади. Улар ҳозир ер юзида ўзларининг 25000 дан зиёд тарафдорлари бор, дейишмоқда.

Сектанинг асосчиси, француз журналисти Клод Ворийон Квебекда яшайди. У бу эътиқотга ўзга сайёраликларнинг сўзларидан сўнг келганини айтяпти.

GLOBUS international life

МАРСГА УЧИШ ПАЙТИ

Буюк Британиялик астронавт Майкл Фоул Марсга халқаро экспедицияга тайёргарлик кўриш фурсати етди, деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, Қизил сайёрага ташриф яқин ўн йилликлар атрофида содир бўлиши керак.

"Технология жиҳатидан бу ишни 15 йилдан сўнг амалга оширса бўлади. Бироқ халқаро сиёсий қизиқиш тақозосига кўра у амалда кечикиши ҳам мумкин. Бу ишга Ироқда янги урушдан кўра камроқ маблағ кетади. Аммо урушдан кўра Марсга учиш истаги камроқ экани равшан бўлиб турибди", деди у Би-би-си мухбирига.

Автомат зондлар Заминга Қизил сайёра ҳақида кўплаб маълумотларни етказдилар. Маълум бўлишича бу сайёра илгари анча намчил ва иссиқ бўлган. Британиянинг Beagle-2 ва Америкaнинг икки марсоходи 2003 йилда Марсга етиб келади ҳамда у ҳақда яна янги маълумотлар беради.

Бироқ инсоннинг Марсга сафари унчалик осон иш эмас. Зеро Заминни тарк этган астронавт фақат орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтгачгина ортга қайта олади. Йўлнинг ўзига тўрт ёки олти ой вақт кетиши мумкин. Марсга етиб келган астронавтлар у ерда бир йилдан ортиқроқ бўлиб, Марснинг яна Заминга яқинлашишини кутиши керак.Команда ёқилғини ҳам бориш ва келиш учун жамлаб олиши керак. Астронавтлар жисми радиация билан нурланиши, улар суяги массаси камайиши эҳтимоли бор.Бунинг устига қариндошлар ва яқинлар билан айрилиқ катта стресс ҳолатини келтириб чиқаради.

Олимларнинг шундай тахминларига қарамай, Фоул иш кўплигидан зерикишга вақт ҳам бўлмайди, қолаверса, алоқа воситалари тобора такомиллашиб боряпти, деган фикрда.

Кулгу

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм.

Йўғ-э!

Ҳомиладор... қўғирчоқ

Барби қўғирчоғи ўзининг эски қадрдони — 40 йил давомида "эри" Алан ва уч ёшли "ўғли" Реан билан ташвишсиз яшаб келаётган Миджидан айриладиган бўлди. Кўпгина америкалик ота-оналарнинг эътирозига сабаб бўлаётган бу қўғирчоқнинг савдоси магазинларда ва машҳур универмагларда қатъиян тақиқлаб қўйилди. Бунинг биринчи ва асосий сабаби — Миджининг ҳомиладорлиги, деб кўрсатилмоқда. Қизиқувчан фарзандларининг, ясама қўғирчоқ қандай қилиб ҳомиладор бўлиб қолиши мумкин, деган саволига жавоб беришга қийналаётган ота-оналар ҳукуматдан бундай қўғирчоқларни савдо расталаридан бутунлай олиб ташланишини талаб қилишмоқда. Улар Миджининг аслига ўхшатиб яратилганидан ҳайратланаётганларини айтишиб, бу қўғирчоқ болаларимиз онгига, ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайдими, деган ҳавотирда. Бироқ, баъзи рухшуносларнинг фикрича, Миджи — мустаҳкам оила таянчи. У болаларда оилага меҳр уйғотиши, шу билан бирга ўз ота-онасига бўлган ҳурмат-эътиборни ошириши мумкин. Ўз навбатида, 40 йил давомида Миджи билан ўйнаб, овуниб келаётган болалар ота-оналарининг бу хатти-ҳаракатларидан норози эканликларини яширишмаяпти ва ўзлари учун янги йил совғаси сифатида сотиб олинган бошқа хил ўйинчоқларга умуман эътибор бермай қўйишди.

Интернет хабарлари асосида Нодир ШОҲ тайёрлади.

Натижа

2002 - ЙИЛ: ҚАЙҒУ ВА ҚУВОНЧЛАР

Британиянинг "Экономист" журнали анъанага кўра ўтган йилнинг натижалари ва келгуси йил тахминларини чоп этди.

Маълум бўлишича, Москвадаги террор акти, Яқин Шарқдаги можаро, Ироққа қарши уруш таҳликаси, Аргентинадаги молиявий инқироз, кўпгина давлатлардаги ишсизликнинг ўсиши, Америкада молиявий жанжаллар, жаҳон биржаларида қимматли қоғозлар нархининг кескин тушиб кетиши ўтган йилнинг энг салбий воқеаларидир.

Аммо, шунга қарамай мутахассисларнинг кўпгина умидсиз тахминлари рўёбга чиқмади. Дейлик, АҚШ иқтисодиёти атиги 0,6 фоиз ўсиши кутилганди, натижа эса 2,5 фоиз бўлди.

Япония иқтисодини улар 7 фоиз қисқаради, деган эдилар. Амалда у бор-йўғи ярим фоиз қисқарди холос.

Британия иқтисодиёти тахмин қилинганидек 1,5 фоиз ўсган бўлса, Австрия ва Канада ЯИМ 3,5 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, 2002 йил ёмон йил бўлмапти.

Истиқбол

2003 - ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ МУАММОЛАРИ

"Янги йилда дунё олдида икки энг муҳим муаммо турибди", - деб ёзади "Экономист":

Биринчидан, Исроил ва Фаластинни яна музокаралар столига ўтиришга кўндириш, иккинчидан, камбағал мамлакатларга спид, малярия, сил касалига қарши курашда саховат билан ёрдам бериш.

Мана шу масалаларни ҳал этиш 2003 йилнинг энг ёқимли совғаси бўлиши мумкин, деб ёзади журнал.

Тадқиқот

КИМ ҲАММАДАН БАХТЛИРОҚ?

Янги йилда ўзаро бир-бирига бахт тилаш одат тусига кирган. Шу боисданми, "Файнэншл таймс" газетаси ўз ўқувчилари эътиборини бир тадқиқот натижаларига қаратди.

Маълум бўлишича, "бугунги инсонлар ўзларидан 50 ёки 100 йил аввал яшаганлардан бахтлироқ... эмас" эканлар.

Дарҳақиқат, бир ўйлаб қарасак, ҳозирги авлодда ўзларини бахтли деб санашга асослар жуда кўпдек кўринади. Зеро биз илгаригилардан кўра узоқроқ яшаяпмиз, саломатлигимизни ҳам яхшироқ сақлаймиз, иш соатимиз ҳам қисқароқ. Биз илгаригиларнинг тушига ҳам кирмаган маҳсулотлар истеъмолчисимиз, қулай уйларда яшаймиз, ақлли маиший ускуналардан фойдаланамиз, чет элларга сафар қиламиз...

Таассуфки, тадқиқотлар бу нарсаларнинг бари бизни бахтлироқ қила олмаганини кўрсатди.

Бу тадқиқотнинг иккинчи хулосаси бахт ва даромад боғлиқлигига оид. Атлантиканинг икки томонида яшовчи инсонлар ҳам қанча кўп даромад топсалар, шунча бахтлироқ эканлар. Аммо АҚШ ва Буюк Британия каби мамлакатларда яшовчилар бойроқ яшагани сайин ўзларини бахтиёр деб ҳисобламаяптилар.

Америкалик ёзувчи Бирче Амврозенинг "Шайтон луғати"да бахтга қуйидагича таъриф берилган: - "Бошқаларнинг бахтсизлигини кўрганда уйғонадиган ёқимли туйғу". Демак, афтидан бахт нисбий тушунча экани рост экан.

Бошқача айтганда, одамлар ота-оналари ва боболаридан кўра қўшниларидан яхшироқ яшасалар ўзларини бахтиёрроқ ҳис этишаркан.

Маълум бўлишича, пулдан ташқари мақбул никоҳ ва олинган яхши таълим ҳам бахт келтирар экан.Бундан ташқари, ўз компаниясига эга бўлган пенсионер ва профессионаллар ҳам ўзларини анча бахтиёр сезишаркан.

Мутахассислар бахт билан оилавий шароитнинг кучли боғлиқлиги бор, дейишяпти. Зеро оилали одамлар оиласизлардан ўртача уч йил кўпроқ яшашдан ташқари, ёлқиз яшаётганлардан 10-20 фоиз бойроқ ҳам эканлар.

Тадқиқот натижалари шунингдек, маошдан ҳам, ишдан ҳам, бошқа омиллардан ҳам кўра кўпроқ қониқиш туйдирадиган энг асосий нарса оилавий турмуш эканини кўрсатди.

Тадқиқотнинг сўнгги хулосаси: кўпчилик инсонлар ҳозир ўзларини бахтсиз ҳис этсаларда келгусида албатта бахтли бўлишларига ишонишаркан. Умидли дунё, деб шуни айтсалар керакда! Нима дедингиз?

ҚАШҚАДАРЁ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ

АЗИЗ ВАТАНИМИЗНИНГ ҲАР БИР ФУҚАРОСИНИ, ЮРТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ

ЯНГИ – 2003 ЙИЛ БИЛАН

САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ!

УМР - ЙЎЛ, ДЕГАН НАҚЛ БОР. ИЛОҲИМ 2003- ЙИЛ БАРЧАМИЗ УЧУН ҚУТЛУҒ КЕЛСИН. БУ ЭЗГУ ЙИЛДА БАРЧА ЙЎЛЛАР БИЗНИ ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШГА, БАХТ ВА ФАРОВОНЛИККА ҲАМДА СОҒУ САЛОМАТЛИККА ЭЛТСИН.

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

"Танхоз" автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ўгит

ЭЗГУЛИККА ЭШ ҲАДИСЛАР

Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) дан: "Мўминларнинг қайсиниси афзалроқ? " – деб сўраганларида, ул зот: "Хулқлари гўзалроқларидир", – деб жавоб берган эканлар. Ҳа, гўзал хулқли кишиялар ҳар доим, ҳар ерда қадрланиб келинган, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилган.

Ёш авлодни ана шундай инсонлар этиб тарбиялашда ҳадиси шарифларнинг ўрни беқиёсдир. Фикримча, ҳадислар ўқиб, унга амал қилаётган ёшлардан фақат эзгу ишларни кутиш мумкин. Зеро, ҳадислар диллармизни имон нурлари билан чароғон этиб, бизни солиҳ амаллар қилишга ундайди.

Бир курсдошим кейинги пайтлар анча "ўзгарди". Энди у ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпти. Буни унинг шунчаки кўнгил ёзиш учун қилинадиган курсдошлар суҳбатидан ўзини олиб қочишга уринаётганидан ҳам билиб олса бўлади. Тенгдошлар даврасида илм-маърифат, инсоний фазилатлар тўғрисида гап кетганида эса "давранинг гули"га айланади. Сўзларига эътибор билан қулоқ соламан. Гаплари мазмунга бой, фикрлари теранлашган. Ҳа, анча ўзгарибди. Бунинг сабаби билан қизиқиб кўрдим. Билсам, курсдошим ҳадис ўқиб, иложи борича унга амал қилишни ният қилибди. Қайсидир маънода бунга эришибди ҳам.

Бу билан фақат ҳадис ўқиб, унга амал қилиш орқали яхши томонга ўзгариш мумкин, демоқчи эмасман. Эҳтимол, ўша курсдошим ҳам фақат шу билан чегараланиб қолмагандир. Лекин ҳадисларни ўқиб туриш, асосийси, уларга амал қилишга интилиш, албатта, ёшларнинг гўзал хулқли, яхши инсонлар бўлишида жуда катта ёрдам беришини айтиб ўтмоқчиман, холос. Ёш авлодни бу эзгу ишга ундаб туриш эса барчамизнинг бурчимиздир.

Мактабда ўқиб юрган кезларимда, ўқувчилар география фанидан сабоқ берувчи Юнусали домла Эгамовни жуда яхши кўришарди. Домла мехрибон ва жонкуяр инсон эканлиги билан бирга барча дарсларни қизиқарли ва мароқли олиб боргани учун ҳам ҳар бир ўқувчининг севимли устозига айланган эди.

Менга домланинг кўпроқ бир хислати ёқарди. У киши ҳар бир дарсни ҳадислар билан бошлар ва охирида яна бир ҳадис билан якунлар эди. Эътиборлиси, бу ҳадислар барчамизнинг дафтарларимиздан жой оларди. Келгуси дарсгача уни ёддан домлага айтиб берардик.

Тўғриси, Юнусали домланинг бу хислати туфайли биз кўп нарсани ўргандик. Домланинг бу одатини ҳалигача давом эттириб келаётганини ҳозирги ўқувчилардан эшитарканман, у кишига бўлган муҳаббатим янада ортди.

Ўйлайманки, барча ўқитувчилар ҳам худди шундай бўлса, хушхулқ ва ақлли ёшлар сони кундан-кунга ортиб бораверади. Муқаддас ҳадислар эса бу борада жуда катта аҳамиятга эга.

Беҳзод ФАЗЛИДДИНОВ,
ЎзДЖТУ
халқаро журналистика факультети талабаси

Ҳазил

Ҳотин, биздан ранжима

САИД АҲМАДга
Навоий бобомиз нечун тоқ ўтган?
Орифлар кўнглини шундоқ чоғ этган.
"Жимжитлик" қаъридан ҳақиқат излаб,
"Уфқ"қа етгунча гулзор, боғ этган.

АБДУЛЛА ОРИПОВга
Гоҳида соғ бўлсак, гоҳида бетоб,
Гоҳо калтак есак, гоҳо урганмиз.
"Серқуёш"ни ёздик, эмасмиз офтоб,
Бор-йўғи "Хумдон"да камроқ турганмиз.

ЭРКИН ВОҲИДОВга
Бир пайтлар чайлада ёзардим достон,
Бул кун Истиқлолга битгум қасида.
Сиз қалам аҳлига тутмангиз осон,
Эркинмиз ҳар тугул эл орасида.

МУРОД МУҲАММАД ДЎСТга
Кинода ишладик, рол ҳам ўйнадик,
Безор қилди мухлислар, қизлар.
Осон касб йўқдир, лекин баридан,
Ёзғувчилик яхши экан, азизлар...

НУРУЛЛО ОСТОНга
Биз нени изласак тополмаганмиз,
Кўп тулпор кўрганмиз — чополмаганмиз.
Туркманча бир уйни бошлаб қўйгандик,
Томини ҳалиям ёполмаганмиз.

ШУКУР СОДИҚҚа
(шоир-тадбиркор)
Шеърият, ҳалиям шукр, Содиқмиз,
Гоҳо озиб кетсак, гоҳо Сандиқмиз.
"Соғиниб кел"гандик, қайтдик соғиниб —
Гўзал рухсорингда битта чандиқмиз.

ИСМАТУЛЛО ЙЎЛДОШЕВга
Бир ён тергов, бир ён шеър,
Бир ён кино, таржима.
Гоҳо уйга бормасак,
Хотин, биздан ранжима.

РАҲИМЖОН ОТАЕВ — Ота УЛИга
(мунаққид, ёзувчи)
Шўролар кўпларни сағир, тул қилди,
Бор-йўғин олди-ю, қулоқ, қул қилди.

Истиқлолга деймиз минг битта раҳмат —
Раҳим Отаевни Ота Ул қилди.

ЮЛДУЗ УСМОНОВАга
(ҳофиза-депутат)
Қўлларни серпаймиз,
"Бермаймиз"...
Бўшлиқларни тўлдирамиз.
Биз террорист чаёнларни
Қўшиқ айтиб ўлдирамиз.

РАВШАН КОМИЛОВга
(ҳофиз)
Ишонмасдим рост экан,
Омонат дунёнинг ёлғонлари.
Озодани севаман десам,
Чалади-ку қолғонлари.

ҲАМРОҚУЛ АСҚАР

ТОҒАЙ МУРОДга
Биз буюкмиз, қулоқ солмасмиз,
Кучукларнинг ҳуришларига.
Мана энди ўрганиб қолдик —
Бизни мақтаб туришларига.

УСМОН АЗИМга
Навоий бобомиз вазир ҳам бўлган,
Ҳаққа, адолатга нозир ҳам бўлган.
Алпомишни аврар яна Ёсуман —
Ўтмишда не бўлган, ҳозир ҳам бўлган.

РАУФ ПАРФИ
Нечун хуш кўради шоирни шароб,
Нега бир кечада соч бўлур оппоқ?
"Сабр" боғбонидан сўранг сиз уни —
Бу ишларга у масъул кўпроқ.

АЗИМ СУЮНга
Раҳбар бўлсанг: иш кетса —
Қойийверсанг.
Ғалати-ей, шеър ёзсангу —
Бойийверсанг.

САЪДУЛЛА ҲАКИМга
Яшаяпман шаҳарда тинч,
Хаёлда Ғарашадир.
Саройда ҳам шеър ёздик,
Мақтансак ярашадир.

ИБРОҲИМ ҒОФУРОВга
Истиқлол ғояси жуда миллийдир,
"Тикланиш"ни ўйлаб юрагим оғрир.
Ният улуғ эди, нозик сирлар бор —
Мени биласиз-ку, отим кўп оғир.

МАШРАБ БОБОЕВга
Кундуз ҳам ёмонмас,
Маъқули шу кечасида.
Бобо Машраб бўлиб қолдик,
Кўнгилнинг кўчасида.

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Амирқул КАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ (махсус мухбир), Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Ґазета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Давлатжон ПОЛВОНОВ
Мусаҳҳиҳ: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

Топшириш вақти — 21,00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 1169
Адади: 2590

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.

Тафаккур

ЯХШИ КУЁВ УЧРАСА...

Уқба ибн Омир разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: "Фаржларни ўзингизга не билан ҳалол қилиб олган бўлсангизлар, ўшанга вафо қилмоқларингиз шартларнинг биринчисидур", — дедилар". (Яъни, никоҳ битими вақтида нималарни ваъда қилган бўлсангизлар, ўшаларга вафо қилмоқларингиз энг муҳим шартдир).

Имом ал-БУХОРИЙ

Оилада маънавий тенгсизлик бўлиши мумкин эмас. Эрини қизиқтирган нарсаларга қизиқмаган аёл — унга бегона бўлиб қолаверади. Эрининг ишларига қизиқмаган аёл, уни илҳомлантиролмаган аёл — эҳтимол, у яхши дастёрдир, тежамкордир, мехрибон инсондир, лекин барибир у тўла маънодаги, юксак маънодаги Аёллик шарафига муносиб бўлолмайди.

А.ГЕРЦЕН

Никоҳланаётган эру хотин эндиликда битта ахлоқий шахс сифатида намоён бўлишлари лозим.

И.КАНТ

Кимга яхши куёв учраса — ўғил топдим деб қувонсин, ёмони учраса — қизимдан айрилдим деб ҳисоблайверсин.

ДЕМОКРИТ

Юрак муҳаббатни кутганда бекор
Майда-майда бўлар, йўқолар изсиз.
Садоқату дўстлик йўқ жойга, зинҳор,
Муҳаббат ҳам қадам босмайди, эсиз...

Мулла ВАЛИ ВИДОДИЙ

"Эколот"

Ўнг қўлнинг хайри

Янги йил арафасида ҳар биримиз яқинимизга у севган нарсани совға этишни орзу қиламиз. Баъзан йил бўйи ана шу инсоннинг дил орзусидаги совғани харид қилиш учун йиғинамиз. Тўғрисини айтиш керак, баъзан бунга имконимиз етади, баъзан эса...

Аммо "Эколот" Ўзбекистон-Кипр қўшма корхонаси ўтказаётган ютуқли лотерея натижасида қайсидир маънода, ўз орзусига эришган юртдошларни кўриш, улар билан суҳбатлашиш очиғини айтай, ўрисча айтганда, "оппоқ ҳасад"имни уйғотди.

"Эколот" ҚК 2002 йил мобайнида ютуқ чиқмаган чипталар бўйича ўйин ўтказилиши ҳақидаги эълон бухоролик Мубошир Саидованинг тушига ҳам кирмаган эди, десак хато бўлмас. Аммо не бахтки, эринмаган опахонимиз турмуш ўртоқлари олиб келган, аммо ютуқ чиқмаган чипталарни авайлаб-асраб, корхона манзилига юборганлари рост. Алал-оқибат, йил якунида опанинг уйига "Сиз - ҒОЛИБСИЗ!" деган телеграмма келади. Опанинг айтишича, на ўзлари ва на турмуш ўртоқлари Тошкентга келгунларига қадар бунга ишонмабдилар. Аммо, "Эколот"чилар барчанинг кўз ўнгида ғолиба опанинг қўлларига "Нексия" автомобилининг калитини тутқазганларида, тўғриси, каминанинг ҳам барча олди-қочди фикрлари ҳаё-ҳув учдию-кетди.

Дарвоқе, икки оғиз қўшма корхона ҳақида. Кипрлик ишбилармонлар ҳамда мамлакатдаги тадбиркорлар саъи ҳаракати билан бунёд бўлган корхона мана бугун ўзининг хайрия тадбирлари-ю, ўнлаб меҳрибонлик уйларида ўтказаётган кўмаклари билан эл оғзига тушишга улгурган. Корхона раҳбарларидан М.Раҳматуллаевдан жорий йилдаги хайрия ёрдамлари миқдорини сўраб, уялиб қолганимни сезмай ҳам қолибман. У киши "Ака, ўзи хайрия ёрдами бўлса, унинг миқдорини айтсам, хайриялиги қоладими?" деб жавоб берди. Не бўлганда ҳам бугун қўшма корхонанинг Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ўнта Меҳрибонлик уйига энг зарур бўлган ашёларни етказиб бергани, бир неча ўнлаб оилаларга моддий ёрдам кўрсатгани ва қолаверса, қатор-қатор экопоездларни имкон қадар ташкил этишда кўмак бераётганини айтмасак инсофдан бўлмас.

Бироқ, Пайғамбаримиз (С.А.В.) айтганларидек, "Ўнг қўлинг қилган хайрни чап қўлинг ҳам билмасин" деганларига амал қилиб, корхона раҳбарлари илтимосига кўра ҳикояни мухтасар қилишга ахд қилдик.

Алижон ЭШБОЙ

P.S. Дарвоқе, машина ютишга иштиёқмандлар бўлса, "Эколот" лотереясини ўйнашни маслаҳат бераردим. Энг қизиғи, ютуқ чиқмай қолса ҳам хафа бўлманг, чиптани асраб-авайлаб манзилига жўнатсангиз, ажаб эмас, кейинги лавҳамиз сизга бағишланса. А, лаббай! Байрамингиз муборак бўлсин!

ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ
«АСАКАБАНК»
Шайхонтоҳур филиали
ОНА ЎЗБЕКИСТОН АҲЛИНИ
2003 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!
ЙИЛ САЙИН БАРҚАРОРЛАШИБ,
ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАН „АСАКАБАНК" СИЗНИ
ЎЗИГА ИШОНЧ БИЛДИРГАН МИЖОЗЛАРИ САФИДА
КЎРИШДАН БАХТИЁРДИР.
ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАНГИЗ УЧУН ОМАДЛИ КЕЛСИН!